

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРКАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА –КУРИЛИШ  
ИНСТИТУТИ**

**«Педагогика ва касбий таълим» кафедраси**


*Кат.ук. Хушвақтов У.А.*

**«КАСБИЙ ТАЪЛИМ УСЛУБИЁТИ»**

фанидан

# **АМАЛИЙ ИШЛАР**

**(Касбий таълим йўналиши бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун)**



**Самарканд 2007**

**Тузувчилар:**

**СамДАКИ**

**"Педагогика ва касбий таълим" кафедраси**

**кат. ўқит. Хушвактов У.А.**

**"Педагогика ва касбий таълим кафедраси**

**мудири т.ф.н., доц. Рахимов А.К.**

**Такризчилар:**

**СамДАКИ**

**"Педагогика ва касбий таълим" кафедраси**

**т.ф.н., доц. Аслиев С.А.**

**«Самарқанд вилоят ўқитувчилар**

**малакасини ошириш маркази»**

**доценти п.ф.н. Э.Т.Туракулов**

Услубий кўрсатма **"Педагогика ва касбий таълим"** кафедрасининг  
2007 йил "29" 08 №1 ва институт услубий кенгашининг 2007 йил  
"30"августдаги №1 мажлисларида муҳокама қилинди.

## **КИРИШ**

Узбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида президентимиз Ислом Каримов ҳаётимизнинг ҳал этувчи муҳим масалалари қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан узгартириш, уни янги замон талаби даражасига кутариш масалалари муҳокама қилинди, Узбекистон олдида турган турли-туман иқтисодий ва социал вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши учун меҳнат унумдолиги жадал устирилиши, барча ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилиши, фан-техника тараккияти жадаллаштирилиши зарур. Иқтисодий жиҳатдан юксалишнинг асосий шарти қул меҳнат ҳиссасини кескин камайитириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштиришдир. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, янги техника ва илғор технологиянинг жорий этилиши ишчилар меҳнатининг характери ва мазмунидаги ўзгаришларни қул жиҳатдан белгилаб беради ва уларнинг маданий-техник савиясига юқори талаблар қўяди, Булар ҳунар-техника таълими тизимидаги қул юртлиларида малакали ишчилар тайёрлашнинг мазмуни, формалари ва услубларини янада такомиллаштиришни, авваламбор, ишлаб чиқариш таълимиши такомиллаштиришни талаб этади.

### **1. Таҷриба – амалий ишлар тизим ва уларга раҳбарлик**

#### **қилиш.**

Қул жараёнининг асосий босқичларидан бири билимларни амалда тадбиқ этишдан иборат, бунинг натижасида қулчиларда қул ва малакалар ҳосил қилинади. Умумтехника ва махсус фанларни урганишда олинган билимларни амалда тадбиқ этиш формаларидан бири таҷриба ишлари ва амалий ишлардир. Таҷриба ва амалий ишлардан қулланган мақсад – қулчиларга мазмуни жаҳитдан умумтехника ва махсус фанлар билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар, техникавий ҳодисалар, умумий қонуниятлар, амалий қоидаларни урганишдир, Таҷриба ва амалий ишлар давомида

укувчилар узларидаги мавжуд билимларни тушунадидар, мустахкамлайдилар ва кенгайтирадилар, бу билимларни тадбик этишга урганадилар, бу эса касбий махоратни ошириш учун нихоятда зарурдир, Уз вазифаси, укув жараёнида тутган урни жихатидан умумтехника ва махсус фанлар буйича килинадиган тажриба-амалий ишлар назарий таълим билан ишлаб чиқариш таълими орасида оралик вазифани эгаллайди, ҳамда малакали ишчилар тайёрлашнинг бу икки томонини узаро боғлашнинг энг муҳим воситаларидан ҳисобланади. Мутахассислик фанларини ўқитиш услуги фанининг амалий ва тажриба дарслари маърузалар ўқилиши билан бирга параллел равишда олиб борилади. Талаба педагогика тизимидаги фанлардан ташқари у махсус фанларни ҳам чуқур урганиши даркор. Бундай фанларга изланиш услуги ва воситалари, технологик жараёнларни моделлаштириш, тикувчилик технологияси, газлама ва трикотаж технологияси: йигирув технологияси фанлари ҳисобланади. Мутахассислик фанларини ўқитиш услугиёти фани икки қисмдан иборат:

1. Фаннинг умумий саволлари.
2. Фаннинг хусусий саволлари.

Биринчи қисмда туқимачилик ва енгил саноат машина ва жихозлари соҳаси бўйича фанларни ўқитиш услугиётини психо-педагогик муаммолар (масалан, укувчиларни тарбиялашда укув-тарбиявий ишларни ташкил қилишда йул-йуриқлар бериш, ўқитиш жараёнида техник фикрлашни такомиллаштириш, муаммоли таълим назарияси).

Иккинчи қисмда ўқитиш услуги бўйича талабалар қуниқмава малакалари, умумий билимларни конкретлаштириш, фаннинг асосий ва қийин саволлари қурилади, Маърузада берилган материал талаба томонидан такомиллаштирибгина қолмасдан, балки у бу материални мустақил ўзлаштириши қерак. Талаба нимани бажариб билса, уни факат мустахкам такомиллаштириш эмас, мустақил бажариши ҳам қерак. Бунинг учун тажриба ва амалий ишларида қатнашиши даркор. Амалий ва тажриба иш мавзулари. Бундан ташқари талаба бу фан бўйича қурс иши ва ҳисобот топширади. Тажриба ишлари 11 форматда (297x210 мм) бажариш ва усти оқ ватманда бўлиши қерак. Булажак ўқитувчилар укувчиларни қандай ўқитса, шундай тарбиялашда, яъни у барча ишларни сифатли бажаришга ундайди. Талаба қурс иши, ҳисобот, амалиёт тажриба ишларни топширади.

## **АМАЛИЙ ИШИ 1.**

### **Мавзу: КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ УКУВ РЕЖАСИ, ДАСТУРИНИ ТАХЛИЛ КИЛИШ.**

**Ишнинг мақсади:** Булажак уқитувчиларни уқув-услугий ҳужжатлар билан таништириш ва уларни таҳлил қилишда билим куникмаларни шакллантириш.

#### ***Назарий қисм.***

Ёш уқитувчи махсус фанни ўқитишда ўзини мустақил шаклланишида, касб йўналишида таълим беришда мутахассислик малака тавсифномани билиши лозим.

Малака тавсифномаси ҳунарга ва касбга ягона таъриф малака маълумотномаси (квалификацион тавсифнома) асосида тузилади. Бу қўлланма ишлаб чиқаришда қўрсатилган ихтисослик мутахассислик бўйича билим ва қўнималар кетма-кетлигини ўз ичига олади.

Малака тавсифномаси турли хил фанларнинг ўқув режаси ва ўқув дастурини тузиш учун асосий негиз ҳисобланади. Ўқув режаси деб – умумий қилиб айтганда таълим дастури ҳужжатлари тўпламига айтилади.

Ўқув режаси давлат директива ҳужжатлари асосида тузилади ва унда ўқув юртининг йўналиш соҳаси: мақсад ва вазифалари, талабалар сони ва ўқув муддати кенг қўрсатилади.

Ўқув режаси фан ва техника, технология, ишлаб чиқаришнинг нафақат ҳозирги ҳолатини, балки келажакда шу соҳа йўналишининг таракқиёти тўғрисидаги билим ва маълумотларни муддатини олдиндан аниқлайди. Ўқув режасидан мазкур ўқув юртидаги ўқув-тарбия жараёнининг мазмунини, турларини, ҳажми, муддати, фанлар кетма-кетлигини аниқланади, Ҳар бир ўқув дастурининг бажарилиши учун ўқув режаси мажбурий ҳужжат ҳисобланади ва унга 3-5 йил мобайнида фақат таълим Вазирлиги томонидан ўзгартиришлар киритилади.

Укув режасига куйидаги укув дастурлари эужжатлари киради:

1. Квалификацион тавсифнома.
2. Соатлар сеткаси.
3. Йигма-тематик режа.
4. Укув дастури.

(Масалан, деканат томонидан укув режаси, семестрлар соатлар, ишлаб чиқариш таълими).

Укув дастури – давлат ҳужжати бўлиб, ундан назарий ва ишлаб чиқариш таълимининг мазмуни, мавзулари, мажбурий ҳажми, уқитилиши кетма-кетлиги аниқланади.

Укув дастури куйидагиларни ургатади:

1. Фаннинг номи.
2. Мазмуни.
3. Билим ва қунимклара ҳажми.
4. Мавзулар, бўлимлар, савол мавзуларининг руйхати.
5. Уқитилиш кетма-кетлиги (Қириш,мавзу).
6. Ҳар бир мавзу учун ажратилган соатлар сони.
7. Таҷриба ва амалий машғулотлар руйхати.
8. Укув адабиётлар.
9. Қулланма ва уқитиш воситаларининг руйхати.

Укув дастурини ҳар бир уқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси бажариши мажбуриятдир.

Услубий нуқтаи назардан укув дастурларига фан ва техника, технология, ишлаб чиқаришдаги янги ютуқларни жаҳон андазалари талаби асосида унинг асоси ва мазмуни сакланган ҳолда шу укув юртининг услубий комиссияси қуриб чиқади ва узгартириш киритади.

Укув режелари ва дастурлари халқ ҳужалиги ишчиларининг ижобий тайёргарлигига нисбатан қуядиган асосий талабларни акс эттирувчи маҳорат тавсифномаси асосида тузилади. Укув режаларида укув фанлари руйхати келтирилади уларни урганиш вақти, укув машғулотлар режими курсатилади.

Укув режаларида ижтимоий фанларни урганишга алохида соат ажратилади. Унда таътилларнинг канча давом этиши белгиланади. Укувчилар учун укув режасига киритилган хар кайси фан учун нималарни ва кай ишчинликда урганиш кераклиги, шу билан бирга укувчилар эгаллаши керак булган билим, малакалар хажми киритилади. Дастурлар мавзуий режа ва дастурдан иборат булиб мавзуий режада фаннинг урганиши ишчинликда жойлаштирилган мавзулар ва унга ажратилган вақт келтирилади. Дастурлар уз ичига махсус мутахассислик фанлари буйича сохаларни ва кискача мазмунини уз ичига олади. Укув режалари асосида уқитувчи иш режаси тузади ва хужжат укув юрти бошкармаси томонидан тасдикланади.

### ***Ишнинг бориши.***

1. Аник мутахассислик буйича дастур туплами ва хужжатлар билан танишиб чиқиш (укув режалари қачон ва қим томонидан тасдиқланган, укув муддати).
2. Дастур хужжати тупламининг тарқибий қисми санаб утилсин, қискача тавсиф берилсин.
3. Курсатилган қасб малака тавсифномаси билан танишиш. (қасби, ихтисоси).
4. «Хар бир мутахассис уз қасби соҳаси буйича нималарни билиши керак» рубрикаси остидаги керакли пунктларни танлаш.
5. Билим ва қуникмаларни шакллантиришда сайланган мавзулар учун укув элементларини танлаш. (Укув элементлари – фан ҳақида тушунча, билим ва қуникмаларни шакллантирувчи мавзу).
6. Берилган саволларнинг хар бир пунктида талаб этилган ёзувлар бажарилсин.
7. Хулосалаш.

### ***Уз-узини текшириш саволлари.***

1. Қвалификацион тавсифнома нима?
2. Нима учун укув дастури ва укув режаси давлат хужжати ҳисобланади?
3. Укув дастури нималарни ургатади?

## АМАЛИЙ ИШИ 2.

**Мавзу: Мутахассислик фанлари буйича перспектив мавзуий ва дарс режаларини тузиш.**

**Ишнинг мақсади:**Укув дастурлари мавзулари асосида перспектив-мавзуий режа тузиш оркали бошлангич куникмаларни шакллантириш.

### *Назарий қисм.*

Дарс-бутун бир тизимни, унда таълим ва тарбиявий мақсад ва вазифалар такомилланади, усади, уқитувчи эса дарсни режалаштиради, ҳамда олдиндан тайёрлайди. Режалаштириш одатда перспектив-тематик режа ва перктив дарс режаларидан ташкил топади. Яхши уйланган перспектив-мавзуий режа уқитувчига ҳозирги замон ва ҳар томонлама укув жараёнининг материал-техник базаси буйича тайёрлашга, шунингдек назариянинг ишлаб чиқариш билан боғлиқлигини таъминлашга шароит яратади. Перспектив-мавзуий режа дарслар тизимини тугри ташкил этишда ва кейинги дарсда тайёрланишда янгиликлар келтиради. Бу тажриба машғулотида перспектив-тематик режани тузишда уқитувчи ҳаракатлари кетма-кетлигини келтирамиз.

| № | Этаплар                                   | Мақсадлар                                                                                                                                       |
|---|-------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | 2                                         | 3                                                                                                                                               |
| 1 | Квалификацион<br>характеристикани урганиш | 1.Қасблар буйича ёш квалификацион<br>ишчилар қандай дарс ва билимлар<br>олишини юзага чиқариш.<br>2.Предмет мақсади ва вазифаларини<br>аниқлаш. |
| 2 | Укув режаси ва дастури<br>Билан танишиш   | 1.Мазкур укув юртида уқитиладиган<br>фаннинг тарбия тизимидаги урнини юзага                                                                     |

|   |                                                     |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
|---|-----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|   |                                                     | <p>чикариш.</p> <p>2. Дастур буйича укувчиларга шаклланадиган билим, малака, куникмалар хажми хакида тушунчалар бериш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| 3 | Мавзу буйича укув материали мазмунини тахлил килиш. | <p>1. Аниклаш:</p> <p>а) мавзунини урганишдаги тушунчалар</p> <p>б) улардан биринчи учраганларни аниклаш.</p> <p>2. Укув материали хажми ва дарслар буйича кетма-кетлигини аниклаш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 4 | Ишлаб чикаришнинг фанлараро боғликлиги тахлили.     | <p>1. Тарбия мавзусидаги тушунчалар, бу укув материални дарслар буйича тақсимлашда кул келади.</p> <p>2. Ишлаб чикариш дарслари тушунчаларини урганиш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| 5 | Дарс тизимларини кайта ишлаш.                       | <p>1. Тарбия учун киритилган асосий тушунчалар, улар мураккаблиги, янги билимларни такомиллаштириш дарсларини аниклаш.</p> <p>2. Амалиётда билимларни куллаш буйича укувчиларга қанақа куникмалар ҳосил бўлишни дастур буйича аниклаш, билим юкламаларни шакллантириувчи дарсларни жорий этиш.</p> <p>3. Укувчилар билимларини тизимлаштирувчи, шунингдек текширув ишларини олиб боришга бағишланган умумий тузилишдан дарслар сонини аниклаш.</p> <p>4. Укув жараёнини активлаштирувчи турли йўналишдаги дарс тизимини аниклаш.</p> |

|   |                                            |                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
|---|--------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 6 | Мустакил ишларни кайта ишлаш тизими.       | <p>1.Берилган мавзу материалларида куник-маларнинг мустакил кетма-кетликда шаклланишини аниклаш.</p> <p>2.Юкорида курсатилган куникмалар шаклланиши даражасини аниклаш.</p> <p>3.Билимлар усиш динамикасини урганиш.</p> <p>4.Дарсликлар,укув кулланмалари,топширик ва машklar материалини тахлил килиш.</p> |
| 7 | УТВ комплексини тайёрлаш.                  | <p>1.УТВ дан нималар борлигини аниклаш.</p> <p>2.Улар тугрилигини текшириш.</p>                                                                                                                                                                                                                              |
| 8 | Дидактик материаллар комплексини тайёрлаш. | <p>1.Канака дидактик материаллар кулланилишини аниклаш.</p> <p>2.Таркатувчи материаллар тайёрлаш.</p>                                                                                                                                                                                                        |
| 9 | Оптималликни аниклаш.                      | <p>1.Билим,куникмаларни укувчиларга мустахкамлаш.</p> <p>2.Укувчиларнинг синфдан ташкари ишларни бажаришда шароитлар яратиш.</p>                                                                                                                                                                             |

### ***Ишнинг бориши ва бажариш тартиби.***

1. Касб-хунар коллежларида укув дастурлари мавзулари асосида тузилган перспектив-мавзуий ва дарс режалари билан танишиш ва уларга тавсиянома бериш.
2. Мутахассислик фани буйича мавзу танлаш ва перспектив-мавзуий ва дарс режаларини тузиш.
3. Намуна I ва II ларни тахлил килиш.
4. Иш буйича хулоса чикариш.

***Уз-узунни текшириш саволлари.***

- 1.Укув режасининг кискача педагогик тахлилини беринг.
- 2.Перспектив-мавзуий ва дарс режаларининг ахамияти нимадан иборат?
- 3.Дарс режаси тузишининг уқитувчи учун ахамияти нимадан иборат?

***Перспектив – мавзуий режа.***

Намуна 1

| Мавзунинг номи,мазмун | Янги мавзуни урганиш формаси | Мавзу мақсад | Уқитувчилар билан мустақил иш | УТВ | Фанлараро боғлиқлиги | Уйга вазифа |
|-----------------------|------------------------------|--------------|-------------------------------|-----|----------------------|-------------|
|                       |                              |              |                               |     |                      |             |

***Перспектив – дарс режаси.***

Намуна 2

| Дарс номи,мазмун | Дарс тури | Дарсда қўлланиладиган услублар | Дидактик материаллар ва УТВ | Қўлланиладиган адабиётлар | Мустақил иш | Уйга вазифа |
|------------------|-----------|--------------------------------|-----------------------------|---------------------------|-------------|-------------|
|                  |           |                                |                             |                           |             |             |

### **АМАЛИЙ ИШИ 3.**

**Мавзу: Касб-хунар коллежларида мутахассислик фанлари буйича дарсни кузатиш ва тахлил килиш.**

**Ишнинг мақсади:** Булажак мутахассислик фан уқитувчилари дарсни тахлил килиш педагогик фаолиятини урганиш, билим, куникмаларни шакллантириш.

#### ***Назарий қисм.***

Хунар-техника билим юртлири, назоратнинг мақсади – бу энг аввало уқитувчининг уқув – тарбиявий иш ҳамда уқувчиларнинг билимлари, куникма ва малакалар сифатини оширишдир. Унинг муҳим моҳияти муваффақиятлар ва муваффақиятларсизликларнинг сабабларини чуқур тахлил килиш.

Назорат кетидан чуқур илмий асосланган тахлил булиши ва шунинг асосида уқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш буйича, дарсни такомиллаштириш буйича тавсиялар, талифлар ишлаб чиқилиши керак. Дарсни тахлил килишда уқитувчининг фаолияти ва уқувчиларнинг фаолиятлари ҳисобга олинади. Талаба турли хил ва қуринишдаги дарсларни утиши ва унга тайёрлашни урганиши лозим.

Маърузаларда уқитувчиларнинг дарсларга тайёрланиш саволлари, уқув жараёнини режалаш ва ташкил этиш фарқлари, уқитиш услублари ёритилади. Буларнинг ҳаммаси хунар-техника билим юртлирида тажрибали уқитувчилар дарсларида яққол қуринади. Талаба, тажрибали уқитувчилар дарсларига қатнашиши ва уларни назорат қила билиши керак, бу назорат талаба учун қурғазмали намуна булади. Уқитувчи фақат дарс утишини урганибгина қолмасдан, балки дарсни назорат қилиб тахлил килишини урганмоғи, улар асосида ҳулосалар чиқара олмоғи лозим. Умумий тахлилда уқитиш мақсади ва мазмуни, дарс тузилиши, таълим услублари, усуллари, ташкилий

формалари, укитиш воситалари укитувчиларнинг хулки, укитувчининг ш услуби, дарс натижалари эътиборга олинади.

Дарс тахлил жараёнида, дарс буйича укитувчи билан суҳбатлаши давомида энг аввало баъзи психологик томонларни ҳисобга олиш ва ижобий жушқин тус бериш, узаро хайрихоҳлик, ишонч руҳини пайдо қилиш керак.

Кузатиш мақсадлари: амалиётда укув жараёнларини ташкил этиш дарс формалари билан танишиш, дарснинг барча элементларини тахлил қилиш ҳақида билимларни шакллантириш ва таълим жараёни смарадорлиги ҳақида ҳулосалар чиқариш. Маърузаларда, дрсликларда таълим услублари, шунингдек укитувчининг укитиш дарсларида тайёрланиш ҳақидаги саволлар, укув жараёнларни режалаш ва ташкил этиш формалари ёрқинлаштирилади. Буларнинг ҳаммаси коллежда ишлайдиган тажрибали укитувчилар орқали амалга оширилади. Укитувчи фақатгина дарсни олиб боришни билибгина қолмай, балки дарсларни қузат билиши ва тахлил қила олиш дарқор.

Укитувчи дарси ва меҳнатини критик баҳолаш педагогик жараёнда қамчиликларни тузатиш ва юқори самарага эга бўлиш учун ёрдам беради. Агар укитувчи узининг дарсини ва ҳамқасби дарсларини тахлил қила олса, у тезда тажрибаларини такомиллаштириш ва педагогик маҳоратини ошириши мумқин. Дарсни қузатиш ва тахлил қила олса, у тезда тажрибаларини такомиллаштириш ва педагогик маҳоратини ошириши мумқин. Дарсни қузатиш ва тахлил этишда қуйидагиларга асосий эътибор бериш керак:

1. Мавзу, мақсад ва дарс тури;
2. Дрснинг бошланиш ва тугаш вақтлари, тартиб ва укувчилар активлиги;
3. Дарс тузилиши. Утилган мавзунини такрорлаш ва янги билимлар беришда укитувчи томонидан қулланилган услублар.
4. Дарсда укув материални мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни текшириш услублари;
5. Укитишнинг замонавий техник воситалари ва намоёиш қилинадиган материалларни қуллаш. Қуллашнинг билимлиги ва мақсадлиги;
6. Дарсда укувчиларнинг мустақил ишлашда укитувчи раҳбарлиги;

7. Укувчиларга уқитувчи томонидан берилган уйга вазифани эълон қилишнинг тугрилиги ва тушунарлиги;
8. Дарсда уқитувчи нутқ маданияти, хулқи, узини тута билиши ва х.з.

### ***Ишнинг бориш тартиби.***

1. Касб-хунар коллежларда ишлаб чиқариш таълими машғулотларини кузатиш ва мустақил таҳлил қилиш.
2. Мутахассислик фани бўйича дарсни кузатиш.
3. Дарснинг тип ва тузилишини аниқлаш, уқитувчининг бир иш босқичидан иккинчисига ўтишни таҳлил қилиш.
4. Наъмуна I ни таҳлил қилиш.
5. Иш бўйича хулосалар чиқариш.

### ***Ўз-ўзини текшириш саволлари.***

1. Ишлаб чиқариш таълими дарслари тузилишини таърифланг.
2. Дарсни кузатиш ва таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш керак.
3. «Йиғирув технологияси» дарсларини олиб бориш босқичларини айтиб ўтинг.

Намуна 1.

| Таҳлил ва кузатишдаги асосий элементлар | Таҳлил ва кузатувдаги натижалар | Камчилик ва хулосалар |
|-----------------------------------------|---------------------------------|-----------------------|
|                                         |                                 |                       |

## **АМАЛИЙ ИШИ 4.**

***Мавзу:* Мутахассислик фанлари уқитиш услуби ва ишлаб  
чиқаришни урганиш бўйича намойиш қилинадиган  
материалларни қайта ишлаш.**

***Ишдан мақсад:*** Махсус фанларни уқитишда қурғазмали услублар орқали  
талабаларга қуникмаларни ҳосил қилиш.

### ***Назарий қисм.***

Қурғазмали қуролларни намойиш этш бу шундай услубки, бунда  
уқувчиларга технологик жараён ва техник объектлар ҳақида аниқ ва конкрет  
образлар ҳосил бўлади.

Дарсда турли қуриниш ва формаларда қурғазмали қуролларни қуллаш  
уқитувчи мавзунини тушунтиришларни уқитувчининг яхши урганишига олиб  
қелади.

Табиий объектларни реал шароитда қузатиш, урмонда, утлоқда  
утказилади, станоклар, комбайнлар, тракторлар, машиналар ишини  
қузатадилар. Намойиш қилинадиган предметлар қурғазмали бўлиши учун  
детал булакчалари ва техника воситаларини баъзи устки қопламаларини  
бўяш тавсия қилинади. Бу услублар орасидан меҳнат усулларини қурсатиб  
бериш услубини қурсатиш лозим, ушбу услубини қуллаб уқувчилар онгида  
улар ушлаштириб олиши керак бўлган меҳнат ҳаракатларининг образини  
шакллантиради. Усул ва операцияларни урганиш даврида бу услуб алоҳида  
аҳамиятга эга.

Қурғазмали қуллашмалар ҳажмий ва тасвирли қуллашмаларга бўлинади.  
Тасвирли қуллашмаларга бўялган плакатлар, диаграммалар қиради. Иш  
жойини ташкил қилишни қурсатувчи плакатлар, плакат инструкциялар яхши  
қуллашмалар ҳисобланади.

Ҳажмий қуллашмалар – машина, станок, аппаратнинг детал ва узеллари  
моделларининг макетларидир. Таълим жараёнида уқув фильмлари,

диоопозитивлар, диафильмлар, магнитофон ёзувлари ҳамда зарур тасаввурларни шакллантириш ва ёдга келтириш имконини берадиган бошқа техника воситаларидан кенг фойдаланилади.

Ишлаб чиқариш таълимини такомиллаштириш йулларидан бири **укитишнинг ҳар хил техник воситалари (УТВ) дан фойдаланишдир.** Ишлаб чиқариш таълимида УТВ дан фойдаланиш уларни назарий уқитишда куллагга нисбатан узига хос хусусиятларига эга. Агар махсус, умумтехник ва умумтаълим предметларидан дарс беришда УТВ асосан таълимнинг курсатмалилигини оширсин, ишлаб чиқариш таълимида эса УТВ ни куллагдан асосий мақсад уқув ва қуникмалар шакллантиришни такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқариш таълимининг техник воситаларидан химиклар, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари, қурилиш машиналари машинистлари, электр пайвандчиларни уқитаётганда кулланиладиган тренажёрларни, бўлгуси тракторчилар, машинистлар, операторларнинг техник жиҳатдан эшита билиш қобилиятини ривожлантириш учун фойдаланиладиган овоз ёзиб олиш қурилмаларини айтиб ўтиш лозим. Умумслесарлик ишларига урганаётганда эғовлаш, арра билан қирқиш, қесиш резба қирқиш қаби операциялар қаёмларини бажаришда ҳаракат қилиш уқувчилари ва қуникмаларини ҳосил қилиш учун машқ мосламаларидан (баъзан улар тренажёрлар деб аталади) кенг фойдаланиш ётарлидир.

Бундай мосламалардан фойдаланишнинг педагогик моҳияти тренировка машқларини бажариш жараёнида уқувчиларнинг уз-узини самарали жорий контрол қилиниши таъминлашдир. Жорий контролни таъминлаш усулига шошилишч информация асос қилиб олинган. Унинг моҳияти шундан иборатки, уқувчи меҳнат ҳаракатларини бажариш жараёнида йул қуяётган ҳатолар тугрисида махсус қурилмалар ёрдамида сигналлар олади. Шошилишч информация олиш уқувчиларга уз-узини жорий контрол қилишда ёрдам беради, бу эса уларда қасбий қуникмани шаклланишини тезлаштиради. Тадқиқотларнинг қурсатишича шошилишч информацияни куллаг машқ

мосламалари ёрдамида машклар килиш жараёнида йул куйиладиган хатоларни оддий усуллар билан утказиладиган машклардагига нисбатан 2-2,5 марта камайтиришга имкон беради.

### ***Ишнинг бориши.***

1. Таълимнинг кургазмали услубларини куллаш назарий кисми билан танишиш.
2. Укувчиларнинг мавзуни кабул килиш ва такомиллаштиришда кулланиладиган кургазмали материаллар куринишини уйлаб чикиш.
3. Объектларни намойиш килинадиган материалларни кайта ишлаш.
4. Мутахассислик фан буйича намойиш килинадиган материалларни тайёрлаш.

### ***Уз-узини текшириш саволлари.***

1. Таълим услубларини айтиб беринг ва таърифланг.
2. Кургазмали услублар максади нимадан иборат?
3. Укувчилар ишлаб чикариш таълимида канака услубларни куллаш фойдали деб уйлайсиз?

## **АМАЛИЙ ИШИ 5**

### ***Мавзу: Мутахассислик фани буйича назарий таълими ва Ишлаб чиқариш дарси конспектларини тузиш.***

***Ишдан мақсад:*** Ишлаб чиқариш таълими усталари ва уқитувчиларига ихтисос буйича режа-конспектни куриш ва тузишни ургатиш.

#### ***Назарий қисм.***

Дарсни утқизиш учун асосий хужжат унинг режасидир. Яхши уйлаб ва мохирона тузилган дарс режаси ҳар бир саволнинг ортқча батафсилликсиз етарли даражада тулик ва мантиқан ёритиб берилишини, дарс вақтидан самарали фойдаланишни, уни утқизишнинг рационал ташкил қилинишини таъминлайди. Бирок, дарс режаси дарсга синчиклаб тайёрланишининг мантикий нҳояси булсагина буларнинг ҳаммасига эришиш мумкин булади. Дарс режаси канчалик яхши тузилган булмасин, унинг узигина дарснинг утқизилиши сифатини белгилай олмайди.

Дарс режаси ишлаб чиқариш устасининг иш хужжати ҳисобланади, шунинг учун унинг формаси, мазмуни, саволларни очиб бериш чуқурлиги дарснинг мазмунига, дидактик мақсадига уқувчилар бажарадиган ишларнинг тавсифига машқларнинг ташкил қилинишига, устанинг тажрибасига қараб ишлаб чиқариш устаси томонидан белгиланади. Дарс режаларини умумий дафтарда ёки алоҳида варақаларда тузиш тавсия этилади. Режани тахт қилишда дарс давомида қеракли нарсаларни ёзиб қуйиш учун варақнинг четида буш жой қолдирган маъқул. Дарс режаларига ишлаб чиқариш устасининг доимий, стандарт, ҳаммага маълум вазифаларни акс эттирувчи пунктларини (уқувчиларнинг дарсга қелишини текшириш, уларнинг ташқи қуринишини қуздан қечириш ва х.зо) қиритмаслик қерак. Режадан фойдаланиш қулай булиши учун унинг ҳар қайси пунктитини қолганларидан ажратиб қуйиш, асосий пунктлар тагида қизиб қуйиш зарур. Режада жорий

вактни ҳам, хакикий вақтни ҳам курсатиш мумкин. Бирок, режадан фойдаланиш қуоайроқ бўлиши учун жорий вақтни курсатган маъқул.

### **Ишнинг бориши,**

1. Мутахассислик фанлари бўйича бўлимларни услубий таҳлил қилишни урганиш;
2. Дарс ўқишни ташкил этиш ва режали-конспект тайёрлашга боғлиқ ҳолда амалий саволларни ечишда мутахассислик фанлари бўйича олган билимларни такомиллаштириш.
3. Талаба ўқитишнинг техник воситалари ва қурғазмаларни қўллардан фойдаланиб дарс ўқишни ва керакли услубларни қўллашни урганади.
4. Мутахассислик фан бўйича дарс режа ва конспект тузиш. Хар бир талабага топширик берилади коллеж ва техникумларда ўқийдиган ўқувчилар учун мутахассислик фанлари бўйича дарс режасини тузиш. Топшириқга дарс ўқилган бўлим ёки мавзу курсатилади. Давомийлик – 45 мин. Талаба томонидан бажаралидаган ишлар 3 қисмдан иборат:
  - 1) Мавзунинг услубий таҳлили.
  - 2) Календар – тематик (техникумлар учун) ёки перспектив – тематик режа (қоллежлар учун).
  - 3) Дарс режа – конспекти.

Йўлга солиб юбориш мақсадида ишлаб чиқариш таълими дарсининг қўйидаги умумий схемасини таклиф этиш мумкин:

..... учун дарс режаси.

Дарс мавзуси .....

Дарс мақсади .....

Ўқув ишлаб чиқариш ишлари .....

1. ....

2. ....

Дарснинг материал-техника таъминоти: мастер дарсга хозирлаб куюдиган асбоблар, заготовклар, мосламаларнинг номи ва миқдори, курсатма кулланмалар, уқитишнинг техник воситалари, хужжатлар ва Ҳ.З. (уқувчилар шахсан фойдаланадиган асбоблар ва устахона ускуналари курсатилмайди).

***Дарснинг бориши:***

1. Ташкилий қисм ..... (вақт)
2. Кириш инструктажи ..... (вақт)
  
1. Дарснинг мавзуси ва мақсадини айтиш.
2. Уқувчилар билимларини текшириш: назарий ва ишлаб чиқариш таълими дарсларида урганилган, ушбу дарс материал билан боғлиқ бўлган материал бўйича уқувчиларга саволлар бериш.
3. Дарс материали юзасидан уқувчиларга инструктаж бериш: тушунтириш ёки суҳбат қилиш режаси, мастер намоёиш қиладиган усулларнинг (приём) курсатмалари.
  
3. Уқувчилар машқни (мустақил ишлар) ва жорий инструктаж ..... (вақт).
  - I. Машқларнинг тартиби ва мазмуни.
  - II. Уқувчиларнинг иш уринларини асосий айланиб чиқишдан қўзланган мақсадлар.
4. Яқунловчи инструктаж .....(вақт)

Инструктажнинг асосий саволлари (дарс вақтида тулдирилади). Уй топириги.

***Ўз-ўзини текшириш саволлари.***

1. Дарс режимини тузишдан асосий мақсад нимадан иборат?
2. Режанинг таркибий қисмлари нимадан иборат?
3. Илгари тузилган дарс режаларидан фойдаланиш мумкинми ва нима учун?

## **АМАЛИЙ ИШИ 6**

**Мавзу: Укувчиларнинг ишлаб чикариш машгулотларини  
утказишда билим, малака, куникмаларни текшириш,  
баҳолаш услубиёти.**

**Ишнинг мақсади:** Булажак ишлаб чикариш таълими усталарига укувчиларнинг уқишдаги муваффақиятларини қайд қилиш, укувчиларнинг билимларини мустахкам узлаштириши учун зарур ишни белгилашни ургатиш ва укув ҳамда ма-лакаларини назорат қилиш ва баҳолашни ургатиш.

### **Назарий қисм.**

Укитувчиларнинг яхши ишлашини талаб қилишдан аввал, улар укув меҳнатини баҳолаш, уларни меҳнат қилишга ургатиш лозим.

Баҳолаш – устоз қулида гоят таъсирчан воситалардан биридир. Бу воситадан нихоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Баҳо ҳамиша укувчиларга таълим-тарбия беришда кумаклашмоғи лозим. Бунда эса баҳо албатта ҳолис бўлган. Укитувчи баҳога ичидан рози бўлган ва унинг моҳиятини тушунган тақдирдагина эришилади.

Укитувчи амалиётда текширишнинг жорий ва тематик турлари қўл-ланилади. Улар оғзаки ва ёзма ишлар, индивидуал ва ёппасига сураш, дарс бўйича балл қуйиш шаклида утказилади. Билимларни жорий текшириш ҳар бир дарсда утказилади. Жорий текшириш билимларни аниқлашга ва укув жараёнида шу асосда олиб боришга имкон беради.

Тематик текшириш бутун мавзунинг узлаштирилишини назорат қилиб боришини таъмин этади. Бу ҳилдаги текшириш материални системалаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Киска вақт мобайнида шунака саволлар бериш ёки шунака вазифаларни тақлиф этиш керакки, укитувчи ўзи уларда мавзунинг асосий мазмуни асосий гояларини қуриб тургандай ҳис қилиш керак. Одатда ёзма контрол ва мустақил ишлар билимларни

текширишнинг асосий формаларидир. Назорат ва текширув максадидаги мустакил ишлар асосан комплекс ишларни бажариш дарсида куп кулланилади, бунда укувчиларда мустакиллик, уз кучларига ишонч карор топади. Укувчиларда ишлаб чикариш машгулотларида индивидуал тарзда ва ёппасига сураш жорий, тематик ва якуний текширишнинг кенг таркалган формалари хисобланади.

Масалан, ишлаб чикариш машгулотларида технологик жараёнларни бажариш буйича савол бутун гурухга берилади. Бирмунча вақт мобайнида хар бир укувчи кандай жавоб беришни уйлайди. Индивидуал тарзда сураш чогида хар бир укувчи билан эвристик сухбат утказди. Укитувчи укувчи йул куйган хато ва камчиликларни тугрилайди.

Дарс пайтида укувчилар билан «бахо оркали» муаммолардан купрок фойдаланиш керак. Бу эса укувчиларнинг уз ишини самарали тарзда «узи бахолаши» учун шароит яратади.

Устоз укувчига ҳақли равишда «2» бахо куйиши мумкин. Лекин асосий вазифа – унинг олдини олиш «2» бахо куймасликнинг ҳамма чоралари курилганидан кейингина шу бахони куйиш мумкин.

Кучли укувчилар ишини тахлил килиш ва бахолаш пайтида энг яхши укувчиларнинг ижодий намунаси гурухдаги бошка укувчилар учун уртак булишида ошкоралик катта аҳамиятга эга.

Бир укувчини бутун жамоага карама-карши куймаслик учун ҳадеб уни мактайвериш ва рағбатлантириш керак эмас. Яхши укувчиларни яхши укигани учунгина эмас, балки янада яхширок укишга интилаётгани учун макташ ва рағбатлантириш керак.

### ***Ишнинг бориш тартиби.***

1. Тайёрланган ишлаб чикариш машгулотини текшириш дарси кузатилади.
2. Текшириш дарсида билим, малака, куникмаларни текшириш формулалари ва турлари тахлил килинади.

3. Гурух журнали буйича жорий ва якуний узлаштириши курсаткичларини урганиши.
4. Тахлил натижалари жадвал 1 га ёзилади.
5. Иш буйича хулосалар чиқарилади.

***Уз-узини текшириш саволлари.***

1. Ишлаб чиқариш машгулотида, уқувчиларнинг билим, малака ва куникмаларини жорий текширишнинг хусусиятларини айтиб беринг.
2. Ишлаб чиқариш таълими дарсларида уқув материални системалаштиришда тематик жихатдан текшириш кандай ахамиятга эга.
3. Уқувчи ишлаб чиқаришда барча технологик усулларни тугри бажаради. Техника хавфсизлиги коидаларига риоя қилди лекин хатоликка (технологик жараёни бажаришда) йул қуйилади. Бунинг учун сиз кандай балл қуясиз. Қуймокчи булган бахонгизни изохланг.

| Дарс номи | Текшириш тури | Текшириш формаси | Уқувчиларни баҳолаш | Уқитувчи қуйган бахони изохлаш |
|-----------|---------------|------------------|---------------------|--------------------------------|
|           |               |                  |                     |                                |

## **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интиломида. Тошкент - "Ўзбекистон" - 2000.
2. Р.Мавлонова. О.Тыраева. К.Холибердиев . «Педагогика» «Ўқитувчи» - 2001 .
3. Н.Х.Авлиёулов. Замонавий ўқитиш технологиялари. "Муаллиф" 2001.